Ўзбекистон Республикаси
Рақобат ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ


Тошкент – 2024 йил

Қонун қабул қилиниш жараёни!

Рақобат қўмитаси

Асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6019-сон Фармони 6-банди



Қонунни ишлаб чиқишда масъул идоралардан **17 нафар** мутахассис иштирок этди



Шунингдек, Қонунни ишлаб чиқишда халқаро молия институтлари **экспертларининг** жами **38 та тавсияси инобатга олинди** *(шу жумладан Жаҳон банкининг **26 та**, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг **11 та** ва Осиё тараққиёт банкининг **1 та** тавсиялари).*

Амалдаги “Рақобат тўғрисида”ги (2012 йил) ва “Табиий монополиялар тўғрисида”ги (1999 йил) **қонунлар бирлаштирилмоқда**.

Қонунга киритилган асосий ўзгартиришлар

Рақобат қўмитаси

Рақобат тўғрисидаги Қонун

- “рақамли платформа”, “давлат иштирокидаги корхона”, “уларнинг аффилланган шахслари” каби тушунчалар киритилмоқда
- Асосий принциплар белгиланмоқда
- НҲҲларнинг ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаши назарда тутилмоқда
- Устун мавқени белгилашнинг янги мезонлари белгиланмоқда
- Молиявий жарималар ва жавобгарликдан озод қилиш шартлари киритилмоқда
- Иқтисодий концентрацияга розилик олиш учун корхоналар активлари қийматига талаб 5 бараварга оширилмоқда
- Рақобат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланмоқда
- Рақобатни қўмитаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Сенатга ҳисобдорлиги белгиланмоқда
- Монополияга қарши комплаенс институти киритилмоқда
- Устун музокара кучи институти киритилмоқда
- Давлат ёрдамини тақдим этишга нисбатан талаблар белгиланмоқда
- Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига нисбатан талаблар белгиланмоқда

4-модда. Асосий тушунчаларга киритилаётган ўзгартиришлар

Рақобат қўмитаси



рақамли платформа — рақамли маҳсулотлардан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ҳақ эвазига ёки бепул фойдаланилишини таъминловчи ахборот тизими

давлат иштирокидаги корхона — хўжалик фаолиятини амалга оширадиган, устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши миқдори **25 фоиздан** ортиқ бўлган юридик шахс, шунингдек давлат унитар корхонаси ёки ўзига хўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган давлат муассасаси

давлат иштирокидаги корхоналарнинг аффилланган шахслари — устав фондининг (устав капиталининг) **20 фоизи** ва **ундан ортиғи** бевосита ёхуд билвосита давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар

5-модда. Рақобат соҳасидаги асосий принциплар



Янги таҳрирдаги қонун билан рақобат соҳасидаги асосий принциплар белгиланмоқда.

1) инсофли рақобат;

2) қонунийлик;


3) истеъмолчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг **устуворлиги;**

4) шаффофлик;

5) тенглик.

6-модда. Монополияга қарши давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланмоқда

1. рақобатни ҳимоя қилиш, рақобатга қарши ҳаракатларнинг **олдини олиш ва тўхтатиш**
2. рақобат муҳитини ривожлантириш, товар ва молия бозорларининг **самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш**
3. республика ҳудудида иқтисодий фаолият эркинлигини, товарларнинг **эркин ҳаракатланишини** таъминлаш
4. бозор иштирокчилари учун тенг шарт-шароитларни белгилаш, **давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш**
5. рақобат муҳитини яхшилаш ва ривожлантириш учун республика ижро этувчи ҳокимият органларининг **жавобгарлигини ошириш**
6. табиий монополиялар субъектлари фаолиятни амалга оширадиган соҳаларда **рақобат муҳитини шакллантириш**
7. жамиятда рақобатга қарши ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан **муросасизликни шакллантириш**



Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликка зид бўлган қонунчилик ҳужжатлари аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган ишлар:

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритади;

бошқа давлат органлари (бундан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мустасно) томонидан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари юзасидан – рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишларини белгиланган муддатларда бартараф этиш тўғрисида уларга тақдимнома киритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ва рақобат тўғрисидаги қонунчиликка зид бўлган қонунчилик ҳужжатлари аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишларини белгиланган муддатларда бартараф этиш тўғрисида уларга тақдимнома киритади.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари фақат ваколатли давлат органининг уларнинг рақобатга таъсирини баҳолаш натижалари бўйича хулосалари мавжуд бўлган тақдирда, белгиланган тартибда қабул қилинади.

Ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий органлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларини ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларни уларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ўрганишдан ўтказади.



Ваколатли давлат органи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш натижалари бўйича ишлаб чиқилган ҳисоботларни кўриб чиқади.

Ўрганиш ваколатли давлат органининг ташаббусига кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига, жамоатчилик назорати субъектларининг таклифлари ва тавсияларига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материалларни ўрганиш натижаларига асосан ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Монополияга қарши комплаенс мажбурий тартибда жорий этиладиган субъектлар:



• республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларда;
• товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда;
• охирги **3 йилда** товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг ўртача йиллик миқдори БҲМнинг **100 минг бараваридан** ошадиган ҳамда устав фондининг (устав капиталининг) **50 фоизи** ва ундан ортиғи давлатга тегишли бўлган юридик шахсларда;
• охирги **3 йилда** товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг ўртача йиллик миқдори БҲМнинг **100 минг бараваридан** ошадиган ҳамда устав фондининг (устав капиталининг) **50 фоизи** ва ундан ортиғи устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши **50 фоизни** ва ундан ортиқни ташкил этадиган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларда;
• юридик шахсларнинг бирлашмаларида жорий этилади.

13-модда. Устун мавқени белгилашнинг янги мезонлари белгиланмоқда

Устун мавқе бир **хўжалик юритувчи субъектнинг** бозордаги улуши ҳолатига қараб **бозорга ҳал қилувчи таъсир ўтказиш** имкониятини берадиган ҳолати ҳисобланган.

Товар бозорида қайси хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи товарининг улуши:

1) эллик ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса;

2) камида бир йил давомида ўттиз беш фоиздан эллик фоизгача ҳажмда бўлса, шу хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг мавқеи устун мавқе деб эътироф этилади.

Янги мезонлари қуйидагилардан иборат:

1) бозорда **рақобатчилари мавжуд бўлмаган** субъектлар;

2) бозордаги улуши 40 фоизни ва ундан ортиқни ташкил этган субъектлар;

3) мутлақ ва (ёки) эксклюзив ҳуқуқ берилган субъектлар;

4) табиий монополия субъектлари;

Шунингдек, охирги календарь йилида тушуми **БҲМнинг ўттиз минг бараваридан** *(9,9 млрд сўм)* ошмайдиган корхоналарга нисбатан устун мавқени эътироф этиш **татбиқ этилмайди.**

Устун музокара кучи институти киритилмоқда:



• Унга кўра субъект **устун мавқега эга бўлмаса** ҳам, битим шартларини, товарлар реализация қилинадиган ҳудудни ва нархни белгилашга **бир томонлама таъсир кўрсатиш** имкониятининг мавжудлиги **Устун музокара кучи деб баҳоланиши белгиланмоқда.**

20-модда. Рақобатга қарши келишувлар ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар учун жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилмоқда:



Рақобатга қарши келишув ёки мувофиқлаштирилган **ҳаракат иштирокчиси бўлган,** мазкур келишув ёки ҳаракат содир этилганлиги ҳақида **ваколатли давлат органига** биринчи бўлиб **ихтиёрий равишда ариза билан мурожаат қилган** жисмоний шахс, хўжалик юритувчи субъект, юридик шахслар бирлашмаси тегишинча маъмурий ва молиявий **жавобгарликдан озод қилинади**.



23-модда. Давлат ёрдамини тақдим этиш шакллари ва унга нисбатан талаблар белгиланмоқда:

01

солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидиялар, грантлар, давлат кафолатлари, имтиёзли кредитлар, эксклюзив ҳуқуқлар, давлат мулкини имтиёзли нархларда сотиш ва ижарага бериш, ер ресурсларидан ва ерости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқларини имтиёзли шартлар асосида бериш ҳамда бошқа преференциялар ва афзалликлар тарзида давлат ёрдамини бериши мумкин.

02

Айрим хўжалик юритувчи субъектларга соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган тарзда **якка тартибда давлат ёрдами** берилишига **йўл қўйилмайди.**

03

Давлат ёрдами берилишини назарда тутувчи НҲҚ лойиҳалари уларнинг **рақобатга таъсирини баҳолаш** учун ваколатли давлат органига **мажбурий тартибда киритилади**.

04

ваколатли давлат органининг хулосаси давлат ёрдами кўрсатилишини назарда тутувчи НҲҚларни қабул қилиш чоғида **мажбурий тартибда кўриб чиқилади.**

Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштироки корхона ташкил этиш, унинг устав фондида иштирок этиш ва давлат-хусусий шериклиги орқали амалга оширилиши белгиланмоқда.

24-модда. Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига нисбатан талаблар белгиланмоқда:

Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши:

1) **тақиқланадиган** ҳолатлар;

битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда;

давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда;

ягона етказиб берувчи бўлган ёки ўзига мазкур ҳуқуқ берилган ёхуд устун мавқега эга бўлган давлат иштирокидаги корхона томонидан фаолияти муассиснинг товарларидан (ресурсларидан) ёки тармоқ инфратузилмасидан фойдаланишга боғлиқ бўлган ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари билан рақобатлашадиган фаолият билан шуғулланадиган, ушбу корхонага аффилланган шахсларни ташкил этишга, бундан мазкур аффилланган шахсларнинг уларни рақобатчилар билан тенг фаолият шарт-шароитлари билан таъминлаган ҳолда бўлиб юбориш натижасида ташкил этилиши ҳоллари мустасно;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг рақобат ривожланган соҳаларда ўз асосий фаолиятига боғлиқ бўлмаган қўшимча фаолият билан шуғулланишига;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг рақобат ривожланган соҳаларда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этишига ёки ундаги улушни олишига;

2) монополияга қарши органнинг **олдиндан розилигини олиш** орқали амалга ошириладиган ҳолатлар белгиланмоқда.

26-модда. Иқтисодий концентрация устидан давлат назорати киритилаётган ўзгартиришлар

қўшиб олиш ёки қўшиб юбориш орқали қайта ташкил этишда олдиндан розилик бериш

шахс ёки шахслар гуруҳи АЖ овоз берувчи акцияларининг **25 фоизидан ортиғини тасарруф этиш** ёхуд МЧЖнинг ёки ҚМЖнинг устав фондидаги улушларнинг **учдан бир қисмидан ортиғини тасарруф этиш ҳуқуқини олганда**.

тарафлардан бири активларининг баланс қиймати ёки охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушуми БҲМнинг **икки юз эллик минг баравари** миқдоридан ортиқ ёхуд уларнинг **активларининг жами баланс қиймати ёки охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса, иқтисодий концентрация устидан давлат назорати амалга оширилади**.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига нисбатан маъмурий юкни қисқартириш мақсадида **иқтисодий концентрация** *(корхоналарни қўшиб олиш ёки қўшиб юбориш)*га розилик олиш талаб қилинадиган битимлар бўйича корхоналар активлари қийматига талаб **5 бараварга** оширилмоқда.



Ушбу модданинг талаблари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик иқтисодий концентрацияга розилик олиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги акцияларни (улушларни) жисмоний шахс томонидан олишга доир битимларга, агар ариза билан мурожаат этилган пайтда бундай жисмоний шахс бирон-бир хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг (улушларнинг) **25 фоизидан** кўпроғини тасарруф этмаган бўлса.



30-модда. Ваколатли давлат органининг ваколатлари билан боғлиқ ўзгаришлар:

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари **нархларининг кескин тебраниши даврда зарур ҳаракатларни амалга ошириш**

давлат ёрдамини самарадорлиги устидан назоратни амалга ошириш

рақобат тўғрисидаги қонун**чиликнинг** бузилишларини **ҳамда уларнинг оқибатларини** бартараф этиш **ҳақида** ижро этиш учун мажбурий бўлган кўрсатмалар **ва** кўриб чиқилиши лозим бўлган **тақдимномалар** беради

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш натижаларига кўра хулоса беради



Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жарималар белгиланмоқда.



- рақобатни чекловчи **келишувлар** (картел), **иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш, монопол мавқе ва юқори музокара устунлигини суиистеъмол қилиш, стратегик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар нархларини асоссиз равишда оширганлик** – товар айланмасининг **5 фоизи**;
- оммавий **савдоларга доир** талабларни бузиш – савдо предмети бошланғич қийматининг **3 фоизи**;
- **инсофсиз рақобатни** содир этиш – товар айланмасининг **2 фоизи**;
- Иқтисодий концентрацияда рақобат қонунчилигини бузиш – БҲМнинг **1000 баравари** миқдорида молиявий жарима қўлланилади;



Эътиборингиз учун раҳмат!

@antimonuz antimonuz @antimonuz antimonuz